



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИДА МЕХНАТ ҲАҚИ АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСЛУБИЁТИ

Rustamova Shokhida Tulkunovna,

*Toishkent molia instituti mustaқil izlanuvchisi
Toishkent, Ўзбекистон*

METHOD OF ORGANIZATION OF WAGE AUDIT IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Rustamova Shokhida Tulkunovna,

*Independent researcher of Tashkent Institute of Finance
Tashkent, Uzbekistan*

JEL Classification: M1, M4, M49

Аннотация. Уибӯ мақолада Ўзбекистон олий таълим муассасаларида (OTM) меҳнат ҳақи билан бозлиқ операциялар аудитининг услубиёти ва ахборот манбалари бўйича аудит ўтказишнинг норматив ҳуқуқий асослари батофсил ёритилган. OTMлар сонининг динамик ўзгариши, уларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаши, меҳнат таътили ҳисобланиши ва тўланиши хусусиятлари, устама ҳисоблаши, қўшиумча мукофот тўловлари аудитининг хусусиятлари ҳамда меҳнат ҳақи аудитини такомиллаштириши юзасидан тегишилича тавсиялар ишилаб чиқилган.

Abstract. This article describes in detail the methodology for auditing transactions related to wages in higher educational institutions (HEIs) of Uzbekistan and the regulatory framework for auditing information sources. The payment of wages to employees, the features of calculation and payment of work leave in the payment of labor, the features of overtime calculation operations, the features of the audit of additional bonus payments, and the

improvement of the audit of labor wages have

been developed.

Калим сўзлар: олий таълим муассасаси, меҳнат ҳақи, қайднома, аудиторлик текшируви, аудиторлик далиллари, моддий ёрдам, устама, мукофот пули.


Keywords: higher education institution, salary, record, audit, audit evidence, material support, bonus, reward money.

Кириш. Мамлакатимизда қабул килинган қонун ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида жамоатчилик назорати самараадорлиги ҳамда фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини ошириш бўйича амалга оширилган ислоҳотларда олий таълим муассасалари ўрни бекиёсdir. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг етакчи давлатлари тараққиёти учун саноат ривожланишидан кейинги босқичга хос бўлиб, бу босқичда иқтисодий ўсиш омилларининг роли ва ўрни ўзгармоқда. Бунда асосий эътибор меҳнат

ресурсларининг интеллектуал салоҳиятини, фан ва технология янгиликларини ишлаб чиқариш жараёнига самарали жорий этиш асосида замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга қаратилади. Жамият тараққиётидаги бундай ҳолат иктисодиётнинг бошқа соҳаларига

нисбатан ишлаб чиқариш соҳасини кенгроқ ривожланишини талаб этади.

Ўзбекистонда олий таълим берувчи олийгоҳлар сони ҳар йили бир нечтага кўпайиб бормоқда. Хусусий университетлардан ташқари давлат ОТМлари сони ҳам ошяпти.



1-расм. Ўзбекистонда ОТМлар сонининг динамик ўзгариши¹

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотига кўра, Ўзбекистонда 2022 йилда жами 172 та ОТМ мавжуд бўлган. Нодавлат ОТМлар сони 60 тага, хорижий ОТМлар ва филиаллари эса 30 тага етган. Бу йил ҳисобида бир нечта ОТМ янги очилди ёки қайта ташкил этилди.

Шу ўринда, мамлакатимизда ижтимоий-иктиносидаги соҳадаги ислоҳотлар натижасида ОТМлари профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш ҳамда таълим соҳасидаги ўзgartiriшларда фаоллигини оширишда олий таълим муассасаларини

молиявий, академик, ташкилий бошқаруви бўйича мустақиллигини таъминлаш, уларнинг маблағларини мустақил тассаруф этиши, яъни меҳнат ҳақи ҳисобини юритиш ва уларнинг тўғри ҳисобланиши аудити муаммоларига алоҳида тўхталиб ўтиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Материал ва метод. ОТМда профессор-ўқитувчилар, ишлиҳи ходимларга меҳнатига ҳақ тўлаш, меҳнат таътили учун тўловлар ҳисобланиши ва тўланиши хусусиятлари аудиторлик текширувларини ташкил этиш масалаларига норматив-хуқуқий хужжатлар ва иктиносиди олимларнинг

¹ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилди, 2023.



асарларида кенг эътибор қаратилган.

Иқтисодчи олим Н.А.Казакованинг фикрича, меҳнат ҳақи ҳисоби ва тўлови операцияларида аудит амаллари муайян бошқарув қарорларини асослаш ёки молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар ўртасидаги алоқадорликларни аниқлаш асосида профессионал фикрни шакллантириш мақсадида кўрсаткичларни таҳлил қилиш деб кўрсатилган.

Р.П.Булыга ва М.В.Мельник хўжалик юритувчи субъектларда асосий ишчи ходимларга меҳнат ҳақи тўлови амалларни таҳлил қилинувчи кўрсаткичлар ўртасидаги алоқадорликларни аниқлаш мақсадида меҳнат ҳақи аудити текширув усувларини эътироф этган.

Бошқа бир гурӯҳ иқтисодчи олимлар олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва аудитини ўтказиш ҳусусиятларини ўрганган холда қўлланиладиган инвентаризация, солишириш каби аудит усувларини муҳим эканлигини таъкидлаб ўтишган.

Республикамизда олий таълим муассасалари сони ортиб бориши ва ўз-ўзини молиялаштириш тизмига ўтган ОТМлар ҳамда ҳусусий ОТМлар фаолиятида меҳнат ҳақи ҳисбланиши ва тўланиши операциялари аудитига кенг эътибор қаратилмаганлиги, шунингдек нисбатан кам ўрганилганлиги сабабли иқтисодчи олимларимиз илмий асарларида олий таълим муассасалари умумий ички назорат ва аудитнинг айрим ҳусусиятлари ёритилган. Аммо, мамлакатимиз ОТМларида умумий бухгалтерия ҳисобини юритиш, ички назорат ва аудитни ташкил этишнинг назарий ҳамда услубий жиҳатларининг муаммолари, шу жумладан ОТМнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот тузиш ҳусусиятлари тўғрисида А.А.Каримов, М.Останакулов, С.У.Меҳмонов, М.Қ.Пардаев, Э.Т.Одилов, К.Б.Ўразов, А.А.Останакулов, З.У.Ҳамидова каби олимларнинг илмий асарларида тадқиқ қилинган.

Юқорида таъкидланган фикрлардан кўриниб турибдики, иқтисодчи олимларнинг фикрларига асосан ОТМларда меҳнат ҳақи аудити ҳусусиятларининг моҳияти ва уларни қўллаш мақсадлари ёритилган. Бироқ, олий таълим муассасаларида меҳнат ҳақи аудитини ўтказиш кетма-кетлиги ва унда аудиторлик далилларининг тўплашдаги аҳамиятига етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Илмий тадқиқотни амалга оширишда ОТМда аудиторлик текширувлари борасидаги иқтисодчи-олимларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Натижалар. Мамлакатимиз иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда ОТМлар фаолиятини янада ривожлантириш, малакали кадрлар тайёлаш ва таълим жараёнларига замонавий ахборот технологияларни жориш этиш каби муҳим ўзгаришлар киритилмоқда. Бунинг натижасида ОТМ илмий салоҳиятини оширувчи асосий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, профессор-ўқитувчи ходимларни молиявий қўллаб қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тартиби ва йўналишлари бўйича олиб борилаётган сиёsat хам ўзгармоқда.

Ушбу ҳолатни жорий қилиш натижасида давлатнинг ижтимоий қўллаб қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича кўпчилик тадбирлари ОТМларнинг зиммасига ўтди. Чунончи, айрим олий таълим муссасалари бу даврда меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими, миқдори ва моддий рағбатлантириш тартибларини қонунчилик асосида мустақил равища белгиламоқдалар. Бугунги қунда кўпгина олий таълим муассасаларида устама ва рағбатлантирувчи тўловлар (КРІ) тизими асосида амалга оширилмоқда.

Натижада меҳнат ҳақи тушунчаси

ўзгарди, чунки унинг таркибига асосий иш ҳақидан ташқари қуидаги хисобланадиган даромадлар қўшилади:

- молиялаштириш манбаи(бюджет, бюджетдан ташқари)дан қатъий назар ҳар хил мукофотлар, қўшимча ва устама тўловлар, ижтимоий имтиёзлар;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларнинг ишламаган кунлари (таътил, байрам кунлари ва ш.у.) учун ҳисобланган суммалар ва бошқалар.

ОТМ ходимлари даромадининг таркибига, фаолияти давомида инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва ундан олинган

маблағлардан бериладиган моддий раҳбатлантириш тўловлари (грантлар, инновацион мулк ва хизматлар сотиш) ҳам қўшилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимларни ижтимоий қўллаб қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича аудиторлик текширувларини ўтказишидан мақсад - меҳнат муносабатларига тегишли бўлган қонунчиликка риоя қилиниши, иш ҳақи ва турли хил қўшимча тўловлар ва мукофотлар, шунингдек, иш ҳақидан солиқлар ва ижтимоий эҳтиёжлар учун тўловлар тўғри ҳисобланишини таъминлашдан иборат (1-жадвал).

1-жадвал

ОТМларда меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар аудити мақсади ва вазифалари

№	Аудит мақсади	Аудит вазифалари
1	Меҳнат қонунчилигига доир ҳукуқий-меъёрий ҳужжатларга риоя қилиниши ва ички назорат самарадорлигининг ҳолатини баҳолаш	1.1. Меҳнат ҳақи тўлашни белгиловчи ҳукуқий-меъёрий ҳужжатларга амал қилиниши ҳолати таҳлили; 1.2. Жамоа меҳнат шартномалари, ходимларни мукофотлаш ва раҳбатлантириш тўғрисида низомларни мавжудлигини ўрганиш; 1.3. Ходимлар иш вақти ҳисобини ҳужжатлаштиришнинг ташкил этилишини ўрганиш; 1.4. Меҳнат ҳақини тўлаш муддатларини ва иш ҳақидан ушланмаларни ўрганиш; 1.5. Сметаларда белгиланган иш ҳақи фонди устидан назорат тизимининг мавжудлиги ва ҳолати ўрганиш; 1.6. Ҳисобот кўрсаткичларнинг синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари маълумотларига мослиги текшириш.
2	Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китобларга доир ҳисоб ва ҳисбот маълумотларининг ишонччилигини ўрганиш.	2.1. Бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилишини текшириш; 2.2. Ҳақ турлари (ишбай, вақтбай ва ҳ.к.) бўйича иш ҳақи ҳисоблашнинг тўғрилигини ўрганиш; 2.3. Ҳар хил мақсадлар (меҳнат таътили ва ҳ.к.) учун ўртacha иш ҳақини ҳисоблашни ўрганиш; 2.4. Иш ҳақидан ушланадиган суммалар тўғрилигини текшириш; 2.5. Иш ҳақи ҳисоблаш ва ундан ушланадиган суммаларни ҳисоб-регистрларида акс эттиришни ўрганиш.

3	Бюджетдан ташқари фонdlар, ижтимоий солиқ тўлов бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини ўрганиш	<p>3.1. Иш ҳақига нисбатан мажбурий ушланмалар ва ажратмаларни ҳисоблаш базаси ва ҳисоб-китоблар тўғрилиги ўрганиш;</p> <p>3.2. Иш ҳақига нисбатан мажбурий ушланмалар ва ажратмалар бўйича ҳисоб-китобларни ҳисоб ва ҳисботда акс эттиришнинг тўғрилиги тасдиқлаш.</p>
---	---	---

Аудитор текширув жараёнида аввало ҳисбот кўрсаткичларида жиддий хатолар йўқлигига етарли даражада ишонч ҳосил қилиши лозим. Бунда далил-исботларни тўплаш учун ҳар хил манбалардан шаклланадиган ахборот базасидан фойдаланилади.

Хар бир ходимнинг меҳнат даромади унинг ОТМ фаолиятига қўшган улуши ва муассаса фаолиятининг якуний натижасига боғлиқ бўлади. Ушбу вазиятда қўшимча даромадлар олишнинг турлари норматив ҳужжатларда юқори даражаси чегараламаган. ОТМлари асосий ходимларнинг меҳнатига ҳақининг минимал даражаси тегишли қонун ҳужжатларига асосан тартибга солиб турилади.

ОТМда қўйидаги категориядаги шахслар ишлаши мумкин:

- доимий ходимлар (маъмурий раҳбар ходимлар, меҳнат дафтарчаси ОТМда бўлган профессор-ўқитувчилар,);
- ўриндош профессор ўқитувчилар;
- хўжалик ишчилари;
- фуқаролик-хукуқий тусдаги шартнома тузилган шахслар.

Бундан ташқари, ОТМда хориждан таклиф қилинган кўнгиллилар (волонтёрлар) ҳам ишлашлари мумкин. Кўнгиллилар – ОТМ манфаати учун текинга иш бажариш, хизмат кўрсатиш шаклида ҳайрия қилувчи жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Меҳнат ҳақи аудитида ОТМнинг иш вақти ҳисоби иш вақтидан фойдаланиш ҳисоби қайдномаларида юритилишини текшириш керак. ОТМда ходимларга иш

ҳақи штат жадвалига асосан белгиланади. Фуқаролик-хукуқий тусдаги шартнома бўйича меҳнат ҳақи якуний меҳнат натижасига тўланади ва тегишли ҳужжатлар (бажарилган иш далолатномаси ва бошқа ҳужжатлар) билан расмийлаштирилади.

Асосий ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш операцияларини текширгандан аудиторлик амали ва далиллари бу муайян счётлар ва тасдиқловчи ҳужжатлар асосида солиштириш талаб этилади. Бунда аудит амали вақтида меҳнат ҳақи билан боғлиқ аудиторлик далиллари амал қиласидан давр ёки санада бажарилишини ўрганиш керак. Асосий штатдаги профессор – ўқитувчининг йил охиригача тўлов операциялари ва қайдномаларида йил охирида ёки оралиқ санада ўрганилганда, асосий ставкадан ташқари, усатамалар ва бошқа мукофот пуллари тўлови бир-бирга мос келмаслиги мумкин.

Хуласа. Олий таълим муассасаларида меҳнат ҳақи ҳисоби билан боғлиқ операциялар аудитини ташкил этиш ва ахборот манбалари бўйича ҳисобда уларнинг норматив ҳукуқий ҳужжатлар асосида акс эттирилганлигини текшириш, шунингдек, ишчи ходимларга тўланадиган меҳнат ҳақи билан боғлиқ бошқа тўловларни текшириш ўзига хос хусусиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ОТМларда меҳнат ҳақи аудитини такомиллаштириш юзасидан қўйидагича таклиф ва тавсиялар бериш мақсадга мувофиқдир:

- ОТМда ички аудит хизматини



ташкил этиш кетма-кетлиги алоҳида ички йўриқнома ёки низом шаклида тасдиқланиши;

- Ички аудитор лавозим йўриқномасини талаб даражасида шакллантириш, унда вазифалар, мажбуриятлар ва жавобгарлик аниқ белгиланиши;

- ОТМда меҳнат ҳақи аудитини режалаштириш ОТМ кенгаши қарори асосида тасдиқланиши мақсадга мувофиқ;

Шунингдек ОТМда меҳнат ҳақи аудитида соатбай асосида қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, тижоратлаштириш ҳисобидан мукофот тўловлари, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва ижтимоий сұғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловларни асословчи хужжатлар билан тасдиқланганлигини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, ЎРҚ№798 сон, 2022 йил 28 октябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сон қарори билан тасдиқланган. “Үртacha ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш” Тартиби.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сон “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллашган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.
4. Хамирова З.У. «Олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитни такомиллаштириш». иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган автореферат. Тошкент - «Iqtisod-Moliya», 2020й. 57 б.
5. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
6. <https://edu.uz/uz> - Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг расмий сайти